

Oilla va jamiyat

№ 30 (1433) 31-iyul 2019-yil Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqa boshlagan E-mail: oillavajamiyat@mail.ru @oilavajamiyatgazetasi_bot

Бироқ айрим бекатларнинг тадбиркорлар томонидан савдо дўконлари билан бирга "омборхонага айлантириб олингани" хар қандай йўловчининг гашини келтиради. Негаки, жазира маисиқдан химояланиш учун ойна билан ўралган бекатга киришингиз билан қадоқланган ҳолда устма-уст қилиб таҳланган ичимликлар муҳқаймоқлар жойлаштирилган музлаткичлардан аранг ўтишга жой топасиз.

BEKATDAGI BETARTIBLIKLER



Britaniyalik qiz Jenni

Farg'onaga kelin bo'ldi

■ Карнай-сурнай садолари янграб тўй бошланди. Мехмонлар тўйхона томон ошиқар эканлар, олисдан ёр-ёрлар билан тушган келинни бир бор кўриш, улар учун қизиқарли туюларди. Чунки, келинчак яқин жоймас, Англиядан Фарғонага, яъни Фарғонанинг Кўштепа тумани Эшонгузар қишлоғидаги хонадонларнинг бирига келин бўлиб тушмоқда. Тўй давомидаги келин саломида худди ўзбек қизларидек эглиб-эглиб кўли кўксидаги таъзим билан салом қилаётган хорижлик келин тўйга йигилгандарни ҳайратини оширеди. Айниқса, бу таъзимлардан, салом-саломлардан келинчакнинг қайноаси Мухайде опа ғоят шодланаб кетди. Кўзидаги севинч ёшларни артиб келинини бағрига босиб, унга кўрманилар ҳадя этди.

"Tug'ma g'ilaylikni davolasa bo'ladimi?"



● 10

■ Инсон кўриш орқали ташки мұхит ҳақидаги маълумотларнинг 90% ини қабул қиласа экан. Башка сезги аъзоларига нисбатан устунлик қиласидаги кўриш қобилияти бироз хиравлашса, ҳаётимиз ҳам мураккаблашиб, ўз ёрқинлигини ўйқотаётгандек туюлади.

Musicha

hajviya



Said Ahmad



■ Зиёфат пайтида калтак еганларнинг соғлиғи ҳақида ҳали аниқ маълумотлар олингани йўқ. Чунки рўйхатнинг биринчи рақамида исми зикр этилган киши ўзига келмаган. Укол қилиш ва қон қуиши давом этмоқда. ● 12

Ma'rifat 4

Hunari bor, xor bo'lmas



Халқимизда фарзандларини ёшлигидан бирор ҳунарга ўргатиш мақсадида устозга шогирд беришдек яхши анъана бор. Бу одат бошқа ҳалқларда учрамайди десак, бу ҳам ҳақиқатидир. Шунинг учун болаларни ёшлигиданоқ бирор ҳунарни маҳкам тутишга йўналтирайлик.

Mulohaza 8

Qo'g'irchoqlar olib kirgan botoks



Бу ҳолат бола руҳиятига таъсир қилиб боради. Балоғатга етиб, ақлини таниғандан кейин ҳам қизларимизда ўша европа услубидаги қўғирчоқларга ўхшаш истаги йўқолиб кетмайди.

Hikoya 9

Qalbi "SO'QIR" o'g'llar



Қайсикир даврада Собирнинг қулогига биринчи гуруҳ ногиронларига белуп уй берилармис, деган сўзлар чалиниб қолди-ю, тинчи бузилди. Агар туман ҳокимлиги томонидан ер ёки уй ажратилса акасидан олдин эга чиқиш мақсадида отни қамчилади.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Аёллар ижтимоий фаоллик пойдевори” мавзусидаги форум бир неча жабҳаларни қамраб олгани билан аҳамиятли бўлди.

Хотин-қизлар кўмитаси раислари, маҳала мутахассислари учун маҳорат сабоқлари, алоҳида эҳтиёжга муҳтож инсонлар учун зарур жиҳозлар



SAYYOR QABUL: MUAMMOLAR YECHIMIGA QARATILDI

тарқатилиши, лидер ва кўмакка муҳтож қизларнинг бир жойга жамланиши, фермер аёллар билан учрашув, хотин-қизлар саломатлиги борасидаги амалий кўргазмали семинар, аёллар ижтимоий реабилитация маркази билан танишув каби тадбирларни жамлади.

Форумнинг асосий, кульминацион

нүктаси Самарқанд шаҳридаги “Чашма” маҳалласида ўтди. Бosh вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова бошчилигига вилоятдаги барча туман, шаҳардан, муаммолари билан келган хотин-қизларга ёрдам бериш чоралари изланди.

Икки йилдирки рафиқам онко-

логик хасталикка чалинган, – дейди Самарқанд шаҳридан С.Толибов. – Унга ортиқа уриниш мумкин эмас, ҳам рўзгор ишларини қилиб, ҳам пул топиш им шарт. Рафиковни даволатишига эса катта миқдорда маблағ керак. Шу масалада ёрдам зарур эди.

Хасталик билан курашадиганлар ва бу масалада ёрдам сўрганлар

кўпиртириш. Ҳатто яхши маошли иш тақлифига ҳам менсимиш қарашади. Аммо уларнинг мақсадини аллақачон кўпчилик тушушиб қолди.

Сайёр қабулдаги мурохаатлар ечимида эса ҳали тўхталиб ўтамиш.

Гулруҳ МУМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

KONVENTSIYA IJROSI O'ZBEKISTONDA

“Wyndham Tashkent” меҳмонхонасида вазирлик ва идора масъул ходимлари иштирокида хотин-қизлар ҳукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ижроси юзасидан мамлакатда олиб борилган ишлар муҳокамасига бағишиланган учрашув ўтказилди.

Ҳаётимиз асоси, кўрки ва мильлатимиз келажаги аёл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бугунги кунда ўз акли, билими ва истеъоди, меҳнатсеварлиги ва шижоат билан ҳаётнинг ҳал килювчи соҳаларини тебрибати – бу оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бошқаруви, тиббийт, таълим-тарбия, маданият, илм-фан тараққиети бўладими, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, тадбиркорлик каби мурakkab вазифаларни аёллар самарали адо этиб келмоқдалар.

Бугунги кун аёлининг илми, иқтидори, заковати ижодкорлиги, яратувчанилиги дунёни яна бир карра лол қолдирмоқда. Ўзликни англаш, баркамол шахсни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини яратиш, тарихий қадриялар, миллий анъаналар давомийлигини таъминлаш, ҳатто жамиятни демократлассириш каби глобал муаммоларни аёлсиз, унинг иштирокисиз тасаввур этиш кийин.

Хотин-қизларнинг тенг ҳукуқи бўлишига эришиш йўлида 1979 йил 18 декабрда муҳим қадам қўйилган эди. Шу куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Баш Ассамблеяси хотин-қизлар ҳукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни қабул килди.

30 та моддадан иборат бўлган Конвенцияда, барча хотин-қизларнинг тенг ҳукукларини таъминлашга йўналтирилган халқаро-ҳуқуқий шаклдаги тамомийлар ва чоралар аниқлаб берилган.

Мазкур конвенцияни 1995 йилда кабул қилган ва Конвенциянинг ижроси юзасидан Республика мизнинг 5 та даврий маъруzasи БМТнинг CEDAW кўмитасида муҳокамага қўйилиб, хотин-қизларнинг ҳолатини янада яхшилаш бўйича зарур тавсиялар берилгандан.

Майлумки, 2019 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг



30 та моддадан иборат бўлган Конвенцияда, барча хотин-қизларнинг тенг ҳукукларини таъминлашга йўналтирилган халқаро-ҳуқуқий шаклдаги тамомийлар ва чоралар аниқлаб берилган.

CEDAW кўмитасида (Женева ш.) хотин-қизлар ҳукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш Конвенциясининг бажарилиши бўйича 6-даврий маъруzasи тақдим

этилади.

БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситилишининг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси қоидаларини бажариш юзасидан 5-даврий маърузасини кўриб ҳизиқ якунларига кўра CEDAW Кўмитаси тавсияларини бажарни юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхомаси томонидан Миллий ҳаракатлар режаси кабуб қилинган.

Учрашувда жамият ривожида аёлларнинг ўрни, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар яратилиши, фидойи, юксак салоҳиятли, изланувчан, билимдон, ўз касбкорининг устаси бўлган хотин-қизларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини оши-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида берилган вазифалардан келиб ҳизиб, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент вилояти бошқармаси томонидан Тошкент туманида тадбир ташкил этилди.

AJRIMLAR, NIZOLAR, YECHIMLAR...

Унда туман хотин-қизлар кўмитаси, ИИБ, туман кенгаши депутатлари, Адлия бўлимни, ФХДЁ, маҳалла мутахассислари, яраширив комиссияси аъзолари иштирок этилди. Семинарда туманда жорий йилнинг олти ойида юзага келган 107 та оиласи ахрим ҳолатининг таҳлили муҳокама кўрсатишиган. Шу билан бир қаторда спиртли ичимлика ружу қўйиш, учинчи шахс араплашви мөхнат миграцияси билан боғлиқ ажralишлар ҳам сўровномада кайд этилганди. Таҳлиллар шуни кўрсатадиги, бугунги кунда респондентлардан 21 нафари қайта турмуш курган бўлиб, 43 нафари эса ҳаётларини ҳали тўла изга сола олмаганлар. Бунинг оқибатида уларнинг 48 нафар фарзандлари тирик этим бўлиб қолгани ачинарли ҳолатидир.

Тадбирда ёшларни мустақил ҳаёт кечиришга тайёрлаш, уларни ўз вақтида соғлом турмуш тарзи ва касбхунарга йўналтириш, оилани муқаддас билиш, ахримларга йўл қўймаслик бўйича билим ва кўнинмаларини мустаҳкамлаш бўйича хамкор ташкилотларнинг ҳам фикр-муоҳоза ва тақлифлари билдирилди.

Кувонарларси, шу куни оилавий ахрими йўқ 20 та маҳалла фуқаролар йигини эътироф этилди ва вилоят «Оила» маркази томонидан уларда фаолият олиб бораётган мутахассисларга ташакурномалар тақдим этилди.

риш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, маданий манфатларини муҳофаза қилиш, уларнинг фаолиятига ҳалқати берадиган тўсигарни барта-раф этишининг аҳволи бўйича фикр юритилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг бандлиги масаласини ҳал қилишга кўмаклашиш, мөхнат қилиш ва дам олишларни ташкил этиш каби масалалар бўйича фикр алмашиди.

Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, ёшлар тарбиясига қаратилган ишларнинг натижалари муҳокама этилди.

Хотин-қизлар кўмитаси матбуот хизмати

Умид МАНСУРОВА,
«Оила» ИАТМ Тошкент вилояти бошқармаси мутахассиси.

oilavajamiat@mail.ru

YANGI QONUNLAR MENI HAYAJONLANTIRMAYDI...

aksincha ularni joriy etishdagi imkoniyat va to'siqlar haqida o'ylay boshlayman

Дилсора Фозилова Британия Колумбияси университети профессори. У жамиятимизда бўлаётган ҳар бир ўзгаришларга ҳамиша фаоллик билан фикр билдиради, айниқса, хотин-қизларнинг хукуклари борасидаги муаммоларга қарши астойдил курашади. У яқинда ўзи туғилиб ўслан кўхна Бухорога келди. Юртдошимизга ўзимизни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдик.

— Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Хотин-қизларнинг меҳнат хукуклари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўплаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори эълон қилинди. Унда белгиланган вазифалар қайси жиҳатлари билан сизнинг диккитигини тортид?

— Давлат миқёсидаги қонунлар, албатта, муҳим. Аммо уларга режа сифатида, дастак сифатида қараш ва янги қонуннинг ҳар бир тилга олинган қисмини ҳаётга жорий қилиш учун тинимиз меҳнат қилиш керак бўлади. Янги қонунлар мени жаҳонлантиримайди, аксинча, уларни жорий этишдаги имконият ва тўсиқлар хакида ўйлаш бошлайман.

Фуқаролик жамияти куришининг биринчи талаби ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-хукукларини тушуниши ва керак бўлганда уларни талаб кила билиши, давлат яратган имтиёзлардан фойдаланиб, ўз вакилларини танлашда иштирок этиш ва муаммоларини шу вакиллар орқали ёки тўғридан-тўғри давлатнинг юкори бўғинларига етказиш ва жамиятда фаол бўлишдир. Сиёсий саҳнада, қонунчиликда ва бошқарув тармоқларида ўзбек аёлларига ҳозиргача етарлича ўрин берилмаган. Бу Ўзбекистонда аёлларнинг етакчлилар қўбилиятiga, билимлилар даражасига ва айтиш жоиз бўлса, тенглиги ва эркинлигига ҳалим таҳдид борлигининг ва асрлар бўхронида шаклланган имтиёз конструкия ўз кучини ўйкотмагандигининг белгисидир.

Дунёning ривожланган давлатларида ҳам ҳали аёллар ва эркаклар кирими ўтасида тафовут бор ва Ўзбекистонда бу фарқ жуда катта. Бунинг бир неча сабаблари бор, албатта. Бу фарқ аёлнинг маълумоти, оиласда уйдан ташқарида ишлаш эркинлиги берилгани, фарзандларининг сони ва бола тарбиялаш жараённада ички ва ташки қўллов даражаси билан узвий боғлиқ. Айниқса, фарзандларнинг ўсиши даврида ишдан узилиб қолиш ва ишга қайтлаш, карьерасини қайta бошлаш аёл ва эркак ўтасидаги иш ҳақи тафовутини кенгайтиради. Бу қарорда менинг диккатимни тортган жойи ана шу жуда муҳим бўлган муаммоларнинг ўрганилганлиги ва бартараф қилишга бўлган интилишнинг яққол каеб этганларди.

— Дунё тажрибасида хотин-қизларнинг меҳнат хукукларини ҳимоя қилиш борасида қандай эътиборга молик ишлар амалга оширилган?

— Дунё тажрибасида аёлларнинг меҳнат хукукини таъминлаш учун кўйилган қадамларнинг эътиборга молик томонлари жуда кўп. Ишга қабул қилиш жараёнларида аёлнинг фарзанд кўриш эҳтимоли борлиги учун кўп ҳолларда ишга эркаклар танланшишининг олдини олиш, аёл ва эркакка бир ҳил

иши учун бир ҳил маош тўлаш, ишхонада гендер дискриминациясини жиддий ҳолат деб қабул қилиш, ҳомиладорлик ва ҳомиладорликдан кейнинг ишдан озод бўлиш вақтида ўз ишлаш ўрнини ўйкотмаслиги ва ишхонадаги хукукларининг ҳимоя қилинганлиги каби бир қатор муваффақиятига қадамлар тўғрисида гапириш мумкин. Ривожланган давлатлarda аёлларининг ҳақ-хукуки ва тенглиги борасида эришилган ўтиқулар Ўзбекистон учун тажриба бўлиб хизмат қиласди. Аммо Ўзбекистон деганда биз бошқарпа ӯшшамайдиган бир жамият тўғрисида гапираёттанимиз ва тажрибалар бошқарнидан фарқ қилишини унутмаслигимиз зарур.

— **Мазкур қарорда яна “Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳукуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси мутасадди идора ва ташкилотлар зиммасига юқлатилганлиги қайд этилган. Гендер сиёсати масалалари бўйича Ўзбекистонда қандай ишлар амалга оширилишини орзу киласиз? Бу борадаги қайси давлат тажрибасини айтиб ўтишини жоиз деб биласиз?**

— Ўзбекистонда меҳнат хукуклари борасида гендер тенглиги мавзусини кўтарганда юртимиздаги оиласлар асрлар давомида шаклланган диний ишонч, миллий урф-одат ва ижтимоий



стандартларга эргашишини чукур англаган бўлишимиз ва ижтимоий конструкцияни бузуб ўтиши осон бўлмаган кураш эканлигини тушунишимиз лозим. Оила ва жамиятда шаклланган менталитет

жойларда ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Яна бир ахамиятни томони бор. Гендер тенглиги ва аёллар хукукининг кучайиси қайсирид мъюнода ижтимоий конструкцияя таҳдид сифатида қаралиши ва қаршиликка учраши табиии ҳолат. Мутасадди идоралар эришиши мумкин бўлган мақсадлар бунинг учун етарли эмас. Бунинг учун давлатнинг асосий информация тарқатувчи ТВ, радио, онлайн ва нашрли медиа кенг кўламда тушунишириш ишлари олиб бориши, гендер тенглиги деганда нималарни назарда тутишимиз ва бу нима учун ривожланниб бораётган

Ўзбекистонимиз учун муҳимлигини тушунишириш лозим бўлади. Ҳолбуки, гендер тенглиги ва аёлларнинг меҳнат хукуклари оиласи маддий ва маънавий юқсалтириш учун ва аёлларда ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эга. Асосий қилиниши лозим бўлган иш эса аёллар билан ишлаш, уларни руҳлантириш ва фаолластириш. Аёлларда фикрлаш кўламини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— **Шунингдек, қарорда “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам белгиланган...**

— Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида “қонунни ишлаб чиқиш ва амалий ҳаракатларни бошлаш лозим, албатта. Бироқ бу Ўзбекистонда қонун устуворлигини ошириш билан боғлик бўлган бир масаладир. Бугунги кунда қонун устуворлигини таъминлаш ўйлида жуда кўп ҳаракатлар қилинти ва маълум натижаларга эришиш осон иш эмас. Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш учун аввало уларни шундай ҳолатлар тўғрисида керакли ташкилотларга осон ва керак бўлган аноним ҳолатда билдиришларни таъминлаш лозим ва ҳар битта ҳолатни жиддий кўриб чиқиш ва

конун ўйли билан бартараф этиш керак. Жамиятда иллатлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун улар чуқурроқ ярага айланни бориши табий.

— Айни пайтда фаолият олиб бораётган дипломатлар орасида бирорта ҳам аёл дипломат ўйқ. Бу ҳолат бизнинг миллий руҳиятимиз билан боғлиқ эмасмикан?

— Жуда кўп соҳаларда аёлларнинг ўйқулиги, албатта, руҳият, узок йиллар давомида сингдирилган мафкура ва ижтимоий конструкция натижасидир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти хуруридаги давлат бошқаруви академиясида давлат бошқарув учун тайёрлайдиган дастурда ўқиётган бир дўстим билан ҳамсұҳбат бўлдим. Ундан академияда аёлларнинг ўрни қандайлигини сўрадим. Афсуски, у бу муассасада аёллар жуда камлигини айтди. Демак, кейинги авлод сиёсатчилари ичидаги ҳам аёл сиёсатчилар жуда кам бўлади. Биз сиёсатчилар жуда ёки сиз айтганингиздек, аёл дипломатлар ҳақида гапирганда муҳим ижтимоий ўлчамларни ҳисобла олишимиз керак. Нима қўлсак аёлларимиз оиласадаги ўрнини сақлаган ҳолда ўз карьеरалари устида ишлашни муҳим деб ҳисоблайдилар? Нима қўлсак аёлларимиз устидаги ҳоладаги қарори таҳдидига таҳдид ишларни орзу киласиз? Бу каби саволларга жавоб беришимиш лозим...

— Ўз илмий изланишиларнинг ҳақида айтиб ўтсангиз... Олдингизга кўйган асосий мақсадингиз ва сиз танлаган мавзу нима?

— Илмий ишмий тўғрисида сўраганингиз учун миннатдорман. Докторлик диссертациям Исломнинг Совет давридан кейин қайта жонланиши, секуляр давлат ва Ислом ўртасидаги муносабатлар хусусида. Давлатнинг дин тўғрисидаги қонунлари, уларнинг таҳлиллари, жамиятда диннинг ўрни ва давлат чиқарган қонунларнинг ижтимоий таъсирини ўрганган ҳолда, шу иккавотули системалар ўртасида мувозанат ва Ўзбекистон Республикасида барча дин вакилларининг ёркин ва тенг бўлиши учун замин яратишга имкон берадиган билимга эга бўлиши жуда муҳим. Илмий ишмийнинг мавзуга яқин жойи ҳақида гапирадиган бўлсан, демократик ёки секуляр давлатда яшетган мусулмон аёлларнинг эркинликлари ва ҳақ-хукуки кўп жиҳатдан ана шу давлат ва дин ўртасидаги муносабат ва мувозанатта бориб тақалади. Ана шу муносабат ва мувозанатни тушунмай турбий юйилган қадамлар, афсуски, натижа беришига ишонмайман.

Сўнгги сўз ўрнида аёл цивилизациянинг ярми, ривожланшиларнинг эса ярмидан кўпроқ қисми эканлигига эътибор қаратишни истардим. Агар биз Ўзбекистонни етук ва ривожланган давлат сифатида кўриши истар эканмиз, аёллар тенглиги ва эркинлиги учун тинмай курашишимиз ва изчил ҳаракатлар олиб боришимиш керак бўлади.

“Ҳаққим талош бўлган бозорларида,

Сизни энтиқтирган сирли ҳаёлман,

Менга ўҳшамасса ҳаёлнинг расми,

Айтинг ўша кун мен аёл эмасми?”, — дейди сұхбатдошимиз бир шеърида. Тилагимиз, уйғоқ нигоҳингиз равшан, жасоратпи саволларнинг ҳамиша бедор бўлсан.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА сұхбатлаши.



HUNARI BOR, XOR BO'LMAS

Савол: Ўғлим бу йил 12 ёшга тўлди. Мактабдаги ўқишлари яхши. Унга қараб болалигимни эсласам, бирон бир ҳунар ўрганиш учун шогирдликка берсаммикан, деб ўйлаб қоламан. Ўқишига бўлган иштиёқини кўриб боланинг миясини ортиқча нарсалар билан тўлдирсан қийналиб қолмасмикан, дея иккичаняпман.

Фарҳод Аъзамов, Тошкент шахри

Ҳар бир инсон фарзандлари камолини кўриши ҳоҳлади. Шундай экан илми, касб-хунарни инсон ҳаётда кам бўлмайди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳ ва саллаҳ) бундай деганлар:

“Кимики тиланчилик килишдан сақланиш, оиласини боқиш ва қуни кўшниларига муруватт қилиш мақсадида ҳалол йўл орқали ризқ топиш билан машгул бўлса, қиёмат кунида у Аллоҳ, тоалога юзи ўн беш кунлик ойдек ёргу бўлган ҳолида йўлиқади”.

Энг улуғ зотлар саналмиш Пайғамбарлар ҳам ризқларини ҳалол пешона тери билан топгандар, яъни, касб-хунар билан шугулланганлари барча учун буюк ибратиди.

Маълумки, ҳар қандай қасбни пухта этгаш, ўз қасбнинг моҳир устаси ҳалол бўлыш учун ана сабга таалуқли илмни мукаммал ўзлаштириш керак. Қасбига муҳаббатли инсон меҳнатини қадрлайди ва ҳеч қачон ўз исидан чарчамайди, балки бундан роҳатланади. Қасби туфайли атроғидаги одамларга ёрдами тегса, инсон ўзини баҳтли хисоблади. Шунинг баробариди Аллоҳ таолоғ томонидан улуғ ажру савоб берилишига муносиб эканини ҳис қилиш билан руҳияти енгиги тортади, имони кувват олади.

Ином Табароний ривоят қилган ҳадисда Расуулпоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам):

“Гуноҳлар ичди шундайлари борки, унга фақат ҳалол ризқ топиш мақсадида қилинган ташвишгина каффорат бўлади”, деб марҳамат қилганлар.

Дарҳақиқат, инсон ҳалол меҳнати билан улуғ савоблар ваъда килинган дараҷаларга эришиши мумкин. Расуулпоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир ҳадисда: “Албатта, Аллоҳ таоло ҳунарманд мўминни севади”, деганлар.



Халқимизда фарзандларини ёшлигидан бирор ҳунарга ўргатиш мақсадида устоға шогирд беришдек жуда яхши анъана бор. Бу одат бошقا ҳалкларда учрамайди десак, бу ҳам ҳакиқатидир. Шунинг учун болаларни ёшлигиданоқ бирор ҳунарни маҳкам тутишга йўналтирайлик.

ЁШЛАРНИ ИЛМГА ЙЎНАЛТИРАЙЛИК

Илм олиш динимизда энг улуғ ибодатлардан саналади. Чунки бандада илмга воситасида Раббисини танишга, у зотнинг бўйруқларини

бажаришга, шунингдек, барча мавжудлотларга таалуқли бўлган ҳақларни адо этишига муввафак бўлади. Бирор бир дин илм олишини Ислом динидек тарғиб қилмаган. Шунингдек, Ислом дини жаҳолатга қарши илм-маърифат билан курашишга катта ёътибор қаратади. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло илм дини бўлмиш Ислом дини билан инсониятни жаҳолат зулматидан Ислом нурига олиб чиқди. Ислом дини илмни имонга тасдиқ, амалга эса йўлбошли қилган динидир. Биз фарзандларимизни,

“Қизингни ўқит, чунки у келажакда фарзанд тарбия қиласди. Агар ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, аммо қизингни ўқитсанг, бутун бир жамиятни ўқитган бўласан”, деб жавоб берган экан. Қанчадан-қанча алломаларни оналари тарбиялагани ҳеч биримизга сир эмас.

тутиши мукаррардир.

Оилада тарбия топаётган қизларимизни илмсиз қолдириш жамиятни илмсиз қолдириш демадир. Айниска, келажак авлод тарбияси хотин-қизларимизга боғлиқ. Улар билимли бўлишса, тарбиялаган авлод ҳам билимли бўлади.

Улар одобри бўлишса, келажак авлод ҳам одобри бўлади.

Ривоят қилинишича, бир киши ҳакимлардан бирининг ҳузурига келиб: “Ҳазрат, менинг бир ўғлим ва бир қизим бор. Улардан ҳар иккисини ўқитиша имкониятим етмайди, фақатгина биттасини ўқитиша имконим бор, қайси бирини ўқитай”, деб сўрабди. Шунда ҳаким зот: “Қизингни ўқит, чунки у келажакда фарзанд тарбия қиласди. Агар ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, аммо қизингни ўқитсанг, бутун бир жамиятни ўқитган бўласан”, деб жавоб берган экан. Қанчадан-қанча алломаларни оналари тарбиялагани ҳеч биримизга сир эмас.

Куръон уммати, Илм уммати, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уммати бўлган биз мусулмонлар учун илмсиз қолиш ордир. Чунки буларнинг барчаси илмга даъват киласди. Биз агар китоб ўқимасак, фарзандларимизни илмга қизиқтиримасак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматимиз деган даъвони нима билан исботлаймиз? Бир олим айтган экан: “Агар бирор қимматли нарсангизни ҳеч ким топа олмайдиган жойга беркитмоқчи бўлсангиз, китобнинг орасига солиб қўйинг, чунки буғунги одамлар китоб очмайдиган бўллиб кетишиди”.

Дунёда ҳам, охирадатда ҳам инсонга илмдан кўра кўпроқ фойда кептирадиган нарса йўқ. Жаҳолатдан кўра зарар берувчи нарса ҳам йўқ. Али розияллоҳу анху: “Инсонларнинг энг қадри ози – илми озидир”, деганлар.

Илмисизлик, жаҳолат инсониятни тубанникга, ҳалокатга олиб бориши мукаррар. Инсонлар илим орқали парвардигорини танийдилар. Охири та в дунёсими илим билан обод қиласди.

Алҳамдуллаҳ, юртимизда барча соҳада китоблар нашр этилимоқда. Масалан, биргина диний соҳани олсак, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақида, улумул-куरъон, усул-фиқӣ, ҳатто грамматика фанига ҳам оид бўлган кўплаб китоблар она тилимизда чоғ этилига. Биз факат олиб ўқисак, кифоя. Фарзандларимизни китоб ўқишига тарғиб қиласди. Факат интернет билан чекланиб, илмни юзаки ўрганмасдан, китоб мутолаасига ҳам ёътибор қаратайлик.


Фарзандларимиз илм-маърифатли бўлишида энг катта масъулиятга ота-оналарда бўлишини ҳеч қачон унутмайлик.

Аллоҳ таоло юртимизни тинч-омон қилсин. Илм ва тарбия йўлида хизмат қиласди таъсисатида барча устоз ва мураббийларимизни эзгу мақсадларига етиштирсин!

Асрорхон ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Шўрчи туман бош имом ҳатиби.

Rivoyat

Kibr Keltirgan Hasrat



Бир киши уйланганидан кейин ишлари аввалгидан ҳам юришиб кетибди. Ҳом сут эмган бандада, кўнглидан: “Бу ажойиб хислатнинг, чиройли ҳаётимнинг сабаби меҳнаткашларига...” деган қибрли ўй кечиб, роҳатланибди.

Дастурхонда ўтирганида аёлига: “Ҳамманинг эри ҳам мендек эмас...” каби минната ўхшаган гапларни айтибди. Аёли индамай кулиб кўя қолиди.

Орадан кўп ўтмай эркакнинг кайфияти тушиб бора-вериди. Аёли бу ҳолнинг сабабини сўраган экан эркак афсус билан:

– Нимасини айтай, хотин, опдинда бўладиган ишлар тутуп, узоқроқдаги нарсаларга ҳам кўзим ўтмай боряпти. Ишларим ҳам орқага торти, – дебди.

Аёл табассум билан жавоб берибди:

– Сиз ҳалол топиб келтирган ларингиз фақат вужудимизга эмас, руҳиятига ҳам кувват бўлсин, деб ўчок бошида доим тилимда дуо, кўнглимда яхши ўйлар бўлди. То ўтган хафта неъматларни ўзингиздан билгунингиз ва уларга киб қилгунингизга кадар... Бир ҳафтадан берি одатимни тарқ этдим. Рўзгора олиб келаётган нарсаларнинг тежкамай сарф этдим. Сиздаги бор ҳашиликларда менинг ҳам ҳиссам катта эканини ҳис қилинг, дедим. Аслида мен ҳам хато килдим. Аммо сизга бир ҳақиқатни англатмоқчи эдим: Эрни эр қилиб, элда обрўсими оширадиган унинг аҳли аёлидир. Аёл сариштали, рўзгор илмига укувли бўлса оиласдан файз-барака аримайди, эрнинг кайфияти аъло бўлади. Кайфият яхши бўлса ишда унум бўлади. Шу бир ҳафталик ҳаёт бизга бутун умр оиласи ҳаётимизга етгулик ибрат бўлсин, хожам...

OLMONGA O'ZBEK TILINI TANITAYOTGAN OLIMĀ

Ўкувчи тўла синфга кўринишидан қаттиқкўл устоз кириб келди. У синфга бир боқиб, индамасдан кўлига бўр олди ва доссага катта қилиб 1 рақамини ёди.

“Қаранг, бу 1 – сизнинг шахсиятингиз, ҳаётингизга соҳиб бўладиган энг қадрли нарса...” деди у. Сўнгра 1 нинг орқасидан 0 ёди. “Бу – муваффақият. У шахснинг 1 ини 10 қиласи”. Яна 0 қўши. “Бу – тажриба. Тажрибали бўлсангиз 10 ингиз 100 бўлади”, деди у. Шахснинг ортига биттадан 0 кўшилиб, рақамлар шу тартибда узайиб бораверди. Қобилият, малака, севги... Нихоят, устоз кўлига латтани олди-да, бошдаги 1 ни ўчириб ташлади. Доскада бир сурув 0 қолди. Устоз ўкувчиларга “Шахсиятингиз бўлмаса, улар ҳеч нимага арзимайди”, деди.

Ҳа, ибраторуму бу ҳикоянинг эътиборга молик жиҳати унинг бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз аксини топганлигидар. Суҳбатдошимиз педагогика фанлари доктори Гулшан Асилова ҳам ана шундай ўз шахсиятига эга инсон, юртимизнинг илм-фан ривожига муносиб ҳисса кўшаётган олимадир. Айни чоғ Германияда ижодий сафарда бўлган ҳамюртимиз билан суҳбатимиз юртимиздаги илм-фан борасида бўлди.

– Гулшан опа, шахс камолотида оиланинг ўрни алоҳида аҳамият касб этиди. Чунончи, сиз вояги етган маскан ҳам китоблар, ундаги сўзлар муқаддас саналадиган ижодкорлар оиласидир.

– “Фарзандинг сени эшитмайди, у сенга қарайди”, деган мақол бежизга айтилмаган. Ота-она боласига ҳалол лўкумни едирib катта қўлса, фарзанди ҳам ҳаромдан ҳазар қиласи. Ва аксина... Ҳаётда бунга кўн марта амин бўлганман. Мен Тошкент вилоятининг хушиманзар Фазалкент шаҳрида ёзувчи Асад Асил хонадонида тутилганман. Ота-она ҳалол меҳнат қилиб, бизларни ҳам шунга ўргатишган. Касб танлашимида истагимизга қаравшан бўлса, таълими олишимиз учун барча имкониятларни яратиб беришган. Энг муҳими, китоб ўқишга, билим олишига ҳамма вақт эътиборли бўлишган. Дадам ёзувчи бўлганинги учун уйимизга кўплаб ижодкорлар келишарди. Адабиёт ҳақидаги суҳбатларни маза қилиб тинглардим. Уйимиз кутубхонага ўхшарди. Энди ўйласам, болалигимдан китобларнинг сеҳри оламига ошуфта бўлиб улгайлан эканман.

– Илмiga қаҷон қизиқсанлиз? Игна билан кудук қазимоқча мензанган бу йўлни танлашингизда қандай омилларни айта оласиз?

– Илмiga қизиқиш талабалик йилларимда пайдо бўлган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг рус филологияси факультетига ўқишига кирганман. Бунга ўрта мактабда таълим берган рус тили ва адабиёти ўқитувчиларимнинг педагогик маҳорати сабаб бўлган, деб ўйлайман. Шу боис синдошларимнинг қарийб учдан бири ўқитувчиларни касбни танлашган. Шундай қилиб, мен ҳам рус тили ва адабиёти таълимнадим. Институтдаги уйшининг илк кунлариданоқ бизга таълим берувчи профессор-ўқитувчиларнинг юқсак илмий салоҳияти ҳавас қилдим. Ўзбек тилидан бизга танлики профессор Низомиддин Маҳмудов дарс берган. Устозининг берган сабоқлари ҳам қандай соҳаҳи ўрганаётган талабада ҳам ўз она тилидан гурурланиш ҳиссисини кучайтириб юборади.

Мутахассислик фанларидан ҳам ўз касбининг фидойилари бўлган, юқсак маҳоратга эга олимларнинг охрии эди. Ўшандага илк бор Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек каби буюк сиймоларнинг асралари “такдик”дан чиқа бошлаганди. “Кечака ва кундуз” романини ўқиб, шу даражада таъсирланганманки, диплом ишимни



қилиш керак. Акс ҳолда у ривожланмайди, унинг ҳеч кимга нафи бўлмайди, қоғозларда чанг босиб ётди. Албатта, бунинг учун бенихоя кучли ирода, сабротоқат, курашувчанлик зарур. Энг муҳими – бошлаган ишни мантиқий ниҳоясига етказиш керак.

– Бугун аксарият ҳамюртларимиз чет тилини ўрганиш билан банд. Фарзандларини боғча ёшиданоқ ҳорижий тиллар сабогига бераётган ота-оналар кўп. Шундай шароитда она тилимизни дунё ҳамжамиятига таниттаётганингиз, бу йўлдаги изланишларингиз таҳсинга лойик. Шу ҳақда сўзлассангиз.

– Ҳозирги даврда қанча кўп чет тилини билса, шунча яхши. Бугун меҳнат бозорида энг ракобатбардош кадрлар бир неча ҳорижий тилни мукаммал биладиган кадрлардир. Нима учун болаларга боғча ёшидан тилларни

– Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек тилига қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бу эътиёж, айниқса АҚШ, Европа, қатор Шарқ мамлакатларида кўзатимоқда. Хусусан, Берлиндаги Гумбольдт номли университет Европадаги ўзбек тилини ўрганиш маркази ҳисобланади.

Этилди. Бироқ, ўзбек тилини тизимли рашида ўқитиши методикасига эътиёж кучли эди. Ўзбек тилини ҳорижклиларга ўқитиши бўйича илмий ишлар деярли ўйларни туфайли шу соҳада тадқикот бўтказиши менга илк бор профессор Раъно Толипова таклиф килган. Афсуски, мазкур соҳа бизда ҳорижий тилларни ўқитиши методикасига нисбатан анча оқсаноқда. Докторлик диссертациясини тайёрлаб, ҳимос қилишимга устозларим, профессорлар Равшанхўжа Расулов ва Хадица Мухиддинованинг ҳиссалари бекёседир.

Илм билан шугулланиш осон эмас. Бу фанда ўзининг ўйналишини яратиш, фан ривожига улушини кўшиш, шогирдлар тайёрлаб, янги мактаб яратиш демакдир. Бунинг учун тадқиқотчи кўп нарсалардан воз кечади, ҳаловати бўймайди, илмий ишни ҳаётидаги бошқа жабҳалардан устун кўяди. Илм билан шугулланиш юзлаб чиғириклардан ўтиш демакдир. Илмни обург ортириш, моддий манфаат, мансаб эгаллаш учун эмас, фан тараққиётига ҳисса кўшиш учунгина



ўргатиш керак? Чунки 7 ўшгача бўлган даврда инсоннинг тил ўрганиш қобилияти ниҳоятда кучли бўлади. Ҳорижий тилларни билиш ва ўрганишнинг она тилига ҳеч қандай зарари йўқ, деб ўйлайман. Она тили билан ҳеч қайси тил рақобатлашиши керак эмас, чунки она тили бу – нафақат тил, балки тарих, маданият, миллий онг ва рух демакдир. Шунинг учун мен, инсон, аввало, ўз она тилини мукаммал билшиш шарт, деб ҳисоблайман. Афсуски, бугун биз адабий тилимизнинг истеъмоддан чиқиб кетаётганига гувоҳ бўляпмиз. Нутқ маданияти ўйқолиб бормоқда. Тилимизнинг “касаллиги”ни зудлик билан даволашимиз керак.

Айни вақтда жадид педагогикини бўйича илмий изланишлар олиб боряпман. Жадидларнинг маърифий тоялари, айниқса, тил таълими методикаси борасида тадқиқотлар ўтказмайман. Миллат онгини ўтиготиша чорлаган жадидлар ўз вақтида дунё тараққиётидаги билин ҳамоҳони бўлганлар. Афсуски, уларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар жуда кўп йиллар ёпиқ бўлган.

– Ўз даврида Навоий сўз дурдо-

наларини қўллаб, оламда тенгисиз эканлигини, тилимиз нақадар бой ҳазиналигини исботлади. Бугун ўзбек тили ва адабиётига муносабат, ҳориж олимларининг қизиқиши борасида тўхталсангиз. Чунончи, Германия мисолида.

– Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек тилига қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бу эътиёж, айниқса АҚШ, Европа, қатор Шарқ мамлакатларида кўзатимоқда. Хусусан, Берлиндаги Гумбольдт номли университет Европадаги ўзбек тилини ўрганиш маркази ҳисобланади. Ушбу университетда фаолият юритаётган профессор Ингеборг Балдауф кўп йиллардан бери Европа ҳалларига ўзбек тилини ўрганиш маркази ҳисобланади. Нима учун болаларга боғча ёшидан тилларни

– Айни пайтда илмий салоҳияти юксалтиришда, ёшларнинг илмга бўлган ҳизиқишини ортиришда нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

– Ривожланган давлатларда илмiga эътибор нақадар кучли эканлигини кўриб, ҳавасим келади. У ерда талабарни ўқишига ҳеч ким мажбур қилмайди. Уларнинг тиришқоқлиги дилом олишга эмас, олган билимни ҳаётда кўллашни ўрганишига қаратилган. Илмга йўл, албатта, китоб орқали боради. Масалан, Европанинг ҳатто кичкина шаҳарларида ҳам кутубхоналар жуда кўп ва гавзумлигини кўрдим. Электрон адабиётлар кенг тарқалган бугунги кунда бу жуда қуонварли ҳолат. Мен талабаримга илмий тадқиқотларнинг соҳага зарурлигини, уларнинг соҳа тараққиётидаги шу йўл билан ҳисса кўшишларни нақадар муҳимлигини доимо тушунтириб келаман. Уларнинг кўзларида учқун пайдо бўлганлигини кўрсам, курсанд бўлмаман. Бизнинг вазифаси уларнинг қобилияларини түгри йўналтириб, ривожлантиришдир. Шунда ўзбек олимлари ўрта асрларда яшаб, дунёга танилган ва тарихда адабий қолган мутафаккиларимиз ўйлайдан борадилар.

Нариза АСАДОВА
суҳбатлашди.

uzu uz

Britaniyalik qiz Jenni

FARG'ONAGA KELIN BO'LDI

Бу ҳодисани кўпчилик тасаввурига сиғдиrolмаётгани бор гап. Бугун бир ўғил уйлантариш учун, айниқса, шаҳарда 100 эшикка мўралаб, бир қизини бериш учун ўн йигитни синаб, бўйи, қошини, кўзини, рангини, отасининг бой-камбагалигию шароитига суртилаётган бир пайтда ривожланган мамлакатларнинг биридан Ўзбекистон қишлоғига келин тушиши сал гайритабиий туюлади-да.

Аммо қалби тарбияланган ИНСОННИнг инсонийлиги ҳам, олижабоблиги ҳам мана шундай чексиз бўлади. Бундай қалб әгалари учун қишлоқи ва шаҳарлик деган ўлчов, чеклов, тушунчалар ёт. Кўпчилик бу қиз Британияга барibir кетиб қолади дейишмоқда. Олдиндан бир нарса дейиш қийин. У бизнинг мамлакатда тилини тушунмагани, урф-одатларимиз гайритабиий туюлгани ёки газ, чироқ каби шароитизисликлар туфайли кетиб қолмайди. Уни иккιюзламачиликлар, атрофдагиларининг лаганбардорлиги, хуллас, аксарият ҳолларда ёлгонга қоришиқ носамимий муносабатларгина бездириши мумкин... Чунки у ҳеч қаҷон бизнини келинларимиздек, қизларимизга ўзимиз ўргатадиганимиз "артист бўлсанг-чи", "ичингда ёмон кўриб турсанг ҳам, сиртнинг кулиб турсанг-чи", "о ийлон, дадажон, деб жонини олсанг-чи", деган тубан тарбия усулимиизни сира ўзига сингдиrolмайди, ҳазм қиломайди, кўниколмайди. Омон бўлсак кўрармиз. Фойибдан сизни ҳурмат қилдим Женни Добсон! Бахти бўлинг, сиз мана шу гўзал, олижаноб қалбингиз билан баҳтнинг бадали анча қимматта тушишини ҳам ҳис қиласиз, англайсиз, деган умиддаман!"

Барно СУЛТОНОВА

facebook

Қудрат АЗЛАРОВ: Ким айтди бу ёшлар ўша қишлоқда яшайди, деб? Улар шунчаки тўйни шу ерда ўтказиши холос, энди кетишиади Англиясиға. Ўша ерда яшашади.

Орзигул РУСТАМОВА: Тўғри, Барно опа шу артистликни болалигидан болаларига сингдираётган айрим оналар бир нарсани унтиб қўйишади: носамимийлик учриған хонадонда ҳеч қаҷон баҳти яшаб бўлмайди...

Чори Латипов: Битта фарқи бор: бизда айниқса, шаҳар шароитида қизлар хонадонга келин (шу хонадоннинг барча аъзолари га янги дастёр) бўлиб тушади. Бошқа юрт, хусусан, гарбда йигит ва қиз турмуш куради. Гарблик қиз шу йигит билан эр-хотин бўлиб яшайман, деб ўйлагандир.

Жаҳонгир Мирзалиев: Хисоб 1:1 бўлиби, яқинда бир ўзбек қизи ҳам Британияга турмушга чиқканди!

Абдукамол Раҳмонов: Яшасин Фарғонанинг ўзбек йигити, илоҳим баҳти бўлиб, тарихда из қолдирсан!

Ҳа, азиз мухлис, айни кунларда ижтимоий тармоқларда Англиядан Фарғонага келин бўлиб тушган қиз ҳақидаги хабар шов-шувга айланган. Одамлар кўнглида бу келин юртимиизда қанча яшайди, балки кетиб қолар деган шубҳалар ҳам ўйқ эмас. Айни пайтда дунёнинг қанча мамлакатларида хорижлик йигитлар хонадонларида минг-минглаб ўзбек қизлари келинлик вазифасини адо этиб юрибди. Ўша қизлар ҳақиқи ҳурмати Женни хоним ҳам бир ўзбек хонадонига баҳт олиб кирган бўлса не ажаб. Биз айни кунларда Женни хоним ўзбек хонадонида қандай яшадётгани билан қизиқдик.

МУҲАЙЁ ОПАНИНГ АНГЛИЯЛИК КЕЛИНИ

Карнай-сурон садолари янграб тўй бошланди. Мехмонлар тўйхона томон ошикар экланлар, олисдан ёр-ёлар билан тушган келинни бир бор кўриш, улар учун қизиқарпи тувларди. Чунки, келинчак яқин жоймас, Англиядан Фарғонага, яни Фарғонанинг Кўштепа тумани Эшонгузар қишлоғидаги хонадонларнинг бирига келин бўлиб тушмоқда. Тўй давомидаги келин

— Ҳеч ўйламагандим хориждан тушган келинум уйимиизга шундай тез мослашади деб. Үй юмушларини бир зумда ўрганиб олди, — дейди опа мамнунлигини яшишмай. — Эрта тонгда уйқудан турсак, кўча ҳовлилар озода, саришта. Нонушта тайёр, чой ва кофе дамланган. Салом қилишини сира канда қилмаяпти. Асосийси бизни муҳитга тез кўникди. Доимо табассумда туриши кайфиятимни кўтаради.



саломида худди ўзбек қизларидек эгilib-эглиб кўли кўксидা таъзим билан салом қилаётган хорижлик келин тўйга йигилғанларининг ҳайратини ошириди. Айниқса, бу таъзимлардан, салом-саломлардан келинчакнинг қайнонаси Муҳайё опа фоят шодланиб кетди. Қўзидаги севинч ёшпарини артиб келинини бағрига босиб, унга кўрманалар ҳада этиди.

Нуруллоҳон Муҳайё опа ва Анваржон аканинг иккинчи ўғли. Ўзбек йигити билимини янада мустаҳкамлаш максадида Малайзиядаги университетларнинг бирига ўқишига кирди. Олийоҳини тамомлмагач, таҳрибасини ошириш, мәхмонхона ишини ривожлантириш мақсадида Дубайга кела-



тантаналар билан олиб келинди.

Женни ўзбек хонадонидаги келинлик даврининг дастлабки кунларидан ўзининг меҳнатсеварлиги, зуккологи, пазандалигини намоён қилди. Тонг саҳардан кўча супургани чиқсан келин, ҳатто кўни қўшиналарнинг кўчаларигача супуриб, сувлар сепиб саришта қилиб кўя бошлиди. Бундан қўшиналар ҳам ҳайратда. Хорижлик келинни мақтаб қилишади.

Муҳайё опа ҳам ойдеккина, меҳнатсевар, эпчилу чаққон келинининг хизматларидан мамнун. Опа келин қизини эркалаб Жаннатхон деб чакиради.

— Ҳеч ўйламагандим хориждан тушган келинум уйимиизга шундай тез мослашади деб. Үй юмушларини бир зумда ўрганиб олди, — дейди опа мамнунлигини яшишмай. — Эрта тонгда уйқудан турсак, кўча ҳовлилар озода, саришта. Нонушта тайёр, чой ва кофе дамланган. Салом қилишини сира канда қилмаяпти. Асосийси бизни муҳитга тез кўникди. Доимо табассумда туриши кайфиятимни кўтаради.

Жаннатхон ўзбек хонадонида оила аъзоларини бирдек кўнгилларни олиб, уларнинг хизматларини қилиб юриди. Унинг болаларни яхши кўриши янада куонарли. Кўни қизалоқлар, кўвенинг жиянлари чет эллик келинойиларнинг ёнидан бир зум кетгилари келмайди. Уларни эркалаб келинчак ҳатто кетилини, инглизча шеър, қўшиклини кўйлашади.

— Ўзбекистонга келин бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди Жаннатхон. — Одамлари мөрибон, самимий, очиқкўнгил, меҳмондуст, бегонан ҳам худди ўзларни яқинларилик кўришади. Бу ерда ойижонимдан кўп ўзбек таомларини ўрганяман. Тандирда нон ёпишина, палов, манти, мастава, чучвара, шўрува, лагмон чўзиш, сомса, кабобларни ҳатто мустакил тайёрлашни бошладим.

Оиласимиз аъзоларини жуда яхши кўраман. Дадажон, ойижонни, овсингларини, жиянларини хамма-хаммаларини яхши кўраман. Уларнинг ҳам менга бўлган муносабати, мөриб ўзгача. Шунинг учун узоқда бўлсам-да соғинч хиссси менинчалик кийнамаяпти.

Ҳа, ҳақиқий баҳт манзил, макон танламайди. Тили, миллати бошқа бўлса-да, аҳил-тотув яшаётган оиласалар жамият таянчига айланди. Юртимизда ана шундай баҳти оиласалар сафи кўплайверсин. Зоро, оиласалар тинч, хотиржам экан соглам фарзандлар, баҳти авлодлар дунёга келаверади.

Фотамира ЎКТАМОВА

oilavajamiat@mail.ru

ВЕКАТДАГИ БЕТАРТИБЛИКЛАР

Ҳаётда барчамиз йўловчимиз. Ҳар куни эрталаб бекатларда ўқишига, ишга бориш учун автобус кутаётган одамларга дуч келамиз. Ҳамма ўзиши билан банд. Ҳаёт бир текисда давом этмоқда. Шахсий автомашинаси борларга бу мавзу аҳамиятсиздек туюлар, бироқ автобусда қатнайдиган йўловчилар учун бекат мавзуси долзарб бўлиб қолаверади.



Демак, бугунги кунда йўловчилар учун бир-биридан янги, замонавий автобусларнинг хизмат кўрсатётгани яхши, бироқ бекатлар мутлақа талабга жавоб бермайди. Биргина пойтахти миздаги автобус бекатларини олайлик, йўловчилар учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Қиша совуқдан, ёзда иссиқдан химояланмаган бекатлар йўловчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоди. Ҳозирча ўқувчилар, талабалар таътилда, ҳадемай, янги ўқув илий бошлансан вазият янада оғирлашади. Йўловчиларнинг асосий қисмени ташкил эттаётган ёшлигаря ишихизматчиларни ҳам кўшиб хисобласак, йўловчилар оқими янада ортиб, бекатларда турли нокулийларга дуч келамиз.

– 131-йўналишидаги автобусда Сергели туманидан Чилонзорга ишга қатнайман, – дейди Учтепа туманиданги 252-мактабгача таълим мусассаси тарбиячиси Оҳиста Турсунова. – Масофанинг узоқлигидан кўра, автобус келгунча кутиб ўтиргани тузукроқ бекатларнинг йўқлиги дипни хира қиласди. Юртимизда қаега қарамаган қурилишлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, муҳташам кўприклар, равон кўчалар

бунёд этиляпти. Шундай бунёдкорликлар қаторида йўловчилар учун ҳам бекатларимизга замонавий тус берилса, телевизорда кўраётганимиз чет давлатларникедек қулай ва шинам бекатлар қурилса, нур устига аъло нур бўларди.

Айни пайтда аҳоли гавжум бекатларни тадбиркорлар савдо нуктасига айлантириб олишган. Атрофи ойна билан ўралган дўйондан автобус келгунча янгиликлардан боҳабар бўлиб, бирон нарса ҳарид килган йўловчи қулай шароит яратилганидан хурсанд бўлади. Масалан, қайси йўналишидаги автобус қанча вақтда қайси бекатга етиб бориши, катновлар оралигидаги вақт тўғрисидаги маълумотлар телевизор экранида кўриниб туриши юрт дошларимизга маъкул. Бироқ айрим бекатларнинг тадбиркорлар томонидан савдо дўйонлари билан бирга "омборхонага айлантириб олингани" ҳар қандай йўловчининг ғашини келтиради. Негаки, жазира маисидан химояланниш учун ойна билан ўралган бекатга киришингиз билан қадоқланган ҳолда уста-уст қилиб тахланган ичимликлару музқаймоқлар жойлаштирилган музлаткичлардан аранг ўтиши жой топасиз.

"Тумайдиган келинни бошингизга ёстик киласизми. Ўғлингизга боща хотин олип беринг. Сизга бир этак набира туғиб беради", – деган гап-сўларига ҳам кулок солмайди. Келини ҳар гал хафа бўлиб йиглаганида:

– Сабр қилинг, фарзанд билан, бойликнинг эрта-кечи йўқ. Сизнинг ҳам пешонангизга фарзанд кўриш ёзилгандир. Ҳеч қачон ноумид бўлмаслик керак, – дей тасалли беради.

Гоҳида Хуршида фарзандсиз бўлса-да,

yoxud bunga kim mas'ul?



ҳар қандай йўловчининг ғашини келтиради. Негаки, жазира маисидан химояланниш учун ойна билан ўралган бекатга киришингиз билан қадоқланган ҳолда уста-уст қилиб тахланган ичимликлару музқаймоқлар жойлаштирилган музлаткичлардан аранг ўтиши жой топасиз.

Бироқ айрим бекатлар-нинг тадбиркорлар томонидан савдо дўйонлари билан бирга "омборхонага айлантириб олингани" ҳар қандай йўловчининг ғашини келтиради. Негаки, жазира маисидан химояланниш учун ойна билан ўралган бекатга киришингиз билан қадоқланган ҳолда уста-уст қилиб тахланган ичимликлару музқаймоқлар жойлаштирилган музлаткичлардан аранг ўтиши жой топасиз.

Борса 4 киши ўтириши мумкин. Боща жойда оёқ босишига хам жой йўқ.

Шунинг учун йўловчилар бекатнинг ташкарисида, иссиқда автобус кутиб ўтишибиди.

Буям ҳолва, эртага ёгин сочинли кунлар бошланса,

йўловчилар қаерда туриб автобус кутишади.

– Бекат ҳақида гапиргандан бугун етарлича танқидий фикрларни айтиш мумкин, – деди Нозима Раши-

дова. – Бектемир туманидан "Олой" бозорига ишга қатнайман. Тунов куни ишга келаётсан ҳар доим автобус кутиб турадиган бекатмизни 40-50 метр нарига суреб ташлашибди. Шундай иссиқ кунларда офтоб тиги етмаганидек, чанг-тўзонда қолиб, бўларим бўлди. Ён-атрофдагилардан сўрасам, ҳеч ким билмайди. Бир мўйсафид киши тадбиркор фойдаланиш учун дўкон курмокчи эканлигини айтиб қолди.

